

• 2012-yil, 8-sentabr. Shanba

• 109 (31.541)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

манфаатлар ва такдирлар МУШТАРАКЛИГИ

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР АСОСИ БЎЛГАН ҚАДРИЯТЛАРДИР

АВВАЛ ХАБАР КИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 6-7 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШ-РИФ БИЛАН УШБУ МАМЛАКАТДА БЎЛДИ.

Қозоғистон Президентининг «Оқўрда» саройида олий мартабали мехмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат рахбарлари шохсупага кўтариладилар. Ўзбекистон ва Козогистон давлат мадхиялари янграйди. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўта-

Икки давлат рахбарлари тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг мухим масалаларини, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги вазият, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халкаро муаммоларни атрофлича мухокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин экани таъкидланди.

Бугун самарали ва узок муддатли хамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асос яратилган — бу қатъий сиёсий ирода, чуқур ҳамжиҳатлик, мусгахкам шартномавий-хуқуқий база ва конструктив хамкорлик борасида тўпланган катта тажрибадир.

Козогистон Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган ишончли кўшнисидир. Ўзбек ва қозоқ халқларини қадимий қардошлик ришталари, муштарак тарих, такдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради.

Ўзбекистон ва Козогистон рахбарлари таъкидлаганидек, халкларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугуни ва келажагини хам бирбиридан ажратиб бўлмайди. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганмиз ва хамиша бир-биримизга суянамиз.

Остонадаги олий даражадаги учрашув бугунги тез ўзгарувчан ва мураккаб шароитда нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг узок муддатли истикболлари, балки бутун минтақамиз барқарорлиги ва унинг изчил ривожланиши кўп жихатдан мазкур саммит натижаларига боглик эканлигини яна бир бор намоён этди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар мамлакатларимизнинг узок муддатли стратегик манфаатлари хамда миллий устуворликлари умумийлиги ва муштараклигига, шунингдек, давлатларимиз олдида турган кенг микёсдаги максад ва вазифаларни хамкорликда хал қилишга интилиш асосига қурилгани ва бундан кейин хам шундай бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

Марказий Осиё минтакаси ва унинг ташкарисида тез суръат билан ўзгараётган вазиятни инобатга олган холда Козогисқамизда барқарорликни сақлаш ва мустахкамлаш, одамларнинг фаровонлиги ва тинчлигини таъминлашга каратилган ягона ёндашувини ишлаб чикиш алохида ахамият касб этади.

Марказий Осиё ва унга туташ айрим минтақаларда юзага келаётган мураккаб вазият янги тахдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасида амалий чора-тадбирларни ку-

чайтиришни тақозо этмоқда. Президентлар Ўзбекистон ва Козогистон Афгонистондаги вазият тезрок изга тушишидан

манфаатдор эканини таъкидладилар хамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга қўшаётган хиссасини ижобий бахоладилар. Томонларнинг Афгонистон муаммосини бартараф этиш ва мазкур мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қаратилган ташаббуслари мухим ахамиятга эга экани таъкидланди.

Мамлакатларимиз халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида алокаларни фаоллаштириш ва хамкорликдаги саъйхаракатларни мувофиклаштириш тарафдоридир. Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги хамкорликни изчил ривожлантириш минтақавий ва халқаро даражада барқарорликни мустахкамлашга хизмат қилади. Томонлар БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бирбирини ўзаро қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва хамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш, ШҲТнинг янги хавф-хатар ва тахдидларга қарши самарали курашиш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида сиёсий, иқтисодий ва бошқа сохаларда амалий хамкорликни янада мустахкамлашга келишиб

Икки давлат рахбарлари Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича хам корликдаги ва принципиал позицияга алохида эътибор қаратдилар, ушбу сохадаги барча масалаларни, шу жумладан трансчегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қуриш масаласини халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва минтакадаги барча давлатларнинг манфаатларини хисобга олган холда хал этиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон рахбари савдоиктисодий хамкорлик масалалари мухокамаси чогида Қозогистон ушбу сохада мамлакатимизнинг мухим шерикларидан бири эканини, давлатларимиз ўртасида ўзаро савдо изчил ва барқарор ўсиб бораётганини таъкидлади. 2011 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш хажми 47 фоиз ўсди ва 2,7 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2012 йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 18 фоиз ўсиб, 1,4 миллиард долларни ташкил қилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон улкан имконият ва захираларга эга экани, улар хисобидан товарлар турларини кўпайтириш хамда икки давлат ўртасида товар айирбошлаш кўламини кенгайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит сохасидаги хамкорлик ўзаро муносабатларнинг мухим йўналишлари хисобланади.

Икки мамлакатнинг транспорт коммуникациялари аниқ келишилган тартибда ишлайдиган ва экспорт-импорт операциялари хамда товарлар транзитини амалга ошириш учун барча қулай шарт-шароитлар яратадиган бир-бирига боглиқ тизимга айланиши зарурлиги қайд этилди. Бу борада юкларни, жумладан, темир йўл транспорти оркали транзит килиш ва етказиб беришни ташкил этишда тариф ва нотариф преференциялар бериш хамкорликнинг асосий жихатлари хисоб-

Президентлар маънавий яқинлик ва кўп асрлик анъанавий даний-гуманитар сохадаги хамкорликни хам кенгайтириш масалаларини мухокама этдилар.

Қозоғистонда машхур ўзбек рассомларининг кўргазмалари ташкил этилмокда, халқ усталари хунармандлар ярмаркаларида қатнашмоқда, мусиқа хамда театр жамоаларининг гастроллари ўтказилмокда. Ўзбекистон кинематографчилари ўз фильмлари билан қўшни давлатда ўтказилаётган кинофестивалларда иштирок этмокда.

(Давоми 2-бетда.)

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Ислом КАРИМОВ

СОХИБКИРОН изларини излаб...

(бир илмий сафар таассуроти)


Ўтган йили Бобур халқаро фонди томонидан Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерациясига уюштирилган «Сохибкирон Амир Темур қадамжолари бўйлаб» экспедицияси сафари чогида янги илмий натижаларга эришилди. Бу хакда «Ўзбекистон овози», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Миллий тикланиш» газеталарида мақолалар эълон қилинди, «Буюк Сохибкирон изидан» номли фильм «ойнаи жахонда» намойиш этилди.

Уларда экспедициямиз давомида аникланган илмий маълумотлар, жумладан, Қозоғистон худудида жойлашган Улуғтоғга Амир Темур фармони билан эски ўзбек тилида: «Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йили, кўкламнинг ора ойида Туроннинг султони Темурбек икки юз минг қўшин билан ... Тўхтамиш ... хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битикни ёздирди. Тангри нусрат бергай, иншооллох. Тангри фуқарога рахм қилғай, (фуқаро) бизни дуо бирла ёд қилғай...», деган ёзув битилган тарихий ёдгорлик хусусида, шунингдек, Амир Темур минораси ва бошқа кўпгина маълумотлар хақида батафсил тўхталиб ўтган эдик.

Бобур халқаро фонди ушбу йўналишдаги илмий изланишларни давом эттириш мақсадида шу йилнинг 26 июнь — 2 июль кунлари мазкур худудлар бўйлаб навбатдаги илмий сафарни амалга оширди.

Тарихдан маълумки, буюк саркарда бобомиз бошчилигидаги Турон қўшини Самарканддан Дашти Кипчок чўллари орқали 1391 йили Русиянинг Кондурча дарёси сохилига 6 ой йўл босиб етиб боради. Бу ерда 1391 йил июнь ойида Тўхтамишхонга қарши нафақат Русия, балки Европа халқларининг тақдирида хал қилувчи ахамият касб этган ўта мухим жанг бўлиб ўтади.

Шу ўринда айтиш керакки, ўтган вақт мобайнида экспедиция аъзолари Қозоғистон ва Россиядаги ахоли вакиллари (ўлкашунослар, тарихчи ва археологлар, журналистлар)дан кўплаб хатлар, махаллий матбуот оркали айрим кизикарли маълумотлар олишди. Бу борада Сохибқирон Амир Темур ва унинг Олтин Ўрда билан муносабатлари ҳақидаги маълумотлар диққатни тортади. «Самарские известия», «Волжская коммуна» ва «Аргументы и факты. Самара» газеталаридаги маколалар, телевидение оркали берилган лавхалар ана шулар қаторига киради. Айниқса, Самара вилояти Красный Яр районидаги Тарих музейи директори Ю.Бриков, ўлкашунослар А.Опарин ва А.Малигиннинг Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида бўлиб ўтган жанг майдони деб аниқланган худуд, ноёб мудофаа иншоотлари билан ўралган вактинчалик харбий қароргох қолдиқлари ва темирдан ясалган жанговор қуроллар ва бошқа топилмалар (пайконлар, пичоқ, сопол идишлар ва бошқа ҳар хил буюмлар) ҳақидаги ҳабарлари эътиборимизни тортди.



Россиялик мутахассислар, хусусан, Самара Давлат университети профессори Э. Дубман бу топилмалар ва Сохибкирон харбий қароргохида қайд этилган мудофаа иншооти ўрта асрлар Русияси учун характерли эмас эканлигини таъкидлаган. Шунинг учун хам самаралик ўлкашунос олимлар Бобур халқаро илмий экспедициясига мурожаат этиб, Амир Темур харбий қароргохидаги топилмалар билан танишиш ва улар хакидаги фикр-мулохазалар билан ўртоклашишни сўрадилар. Сафардан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири ҳам айнан Амир Темур қадами етган жойлардан топилган моддий маданият ашёлари билан танишиш ва уларни солиштириб ўрганишдан ибо-

Экспедициямиз Россия Федерациясининг Самара ва Ульяновск вилоятлари хамда Татаристон Республикасининг қадимий Болгар шахрида бўлиб, мухим ва янги илмий маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

СОХИБКИРОН АМИР ТЕМУР ВА ОЛТИН ЎРДА

Манбаларнинг гувохлик беришича, 1236 йили Дашти Қипчоқ Ботухон томонидан бутунлай бўйсундирилгач, Олтин Ўрда кучли давлат бўлиб шаклланди. Айникса, Ботухон (1236-1255), Беркахон (1255-1266) ва Ўзбекхон (1312-1342) тахтга ўтирган даврларда ривожланган. Олтин Ўрданинг Кафа, Керчь, Судок, Булгар, Биляр каби шахарларида товарлар ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ анча тараққий этган. Волга дарёсининг қуйи окимида жойлашган Сарой Боту (хозирги Астрахань якинида) ва Сарой Берка (хозирги Волгоград якинида) каби пойтахт шахарлари ўз даврида машхур бўлган.

(Давоми 3-бетда.)

Депутатлик гурухи — электорат манфаатининг химоячиси



БАРЧА САЪЙ-ХАРАКАТЛАРИМИЗ

сайловолди ваъдаларимизни бажаришга қаратилган

ЖАЗИРАМА КУНЛАР ОРТДА КО-ЛИБ, БИРОЗ САЛКИН ХАВОЛИ КУЗ БОШЛАНДИ. ОЛДИМИЗДА ЭСА КИШ. СОВУК, КОРЛИ-КИРОВЛИ КУНЛАР. БУ МАВСУМГА ЭСА ХАР БИР ОИЛА АЛОХИДА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАДИ.

Мамлакатимизда хам бу борада кенг микёсли чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Бунда Президентимизнинг 2012 йил 20 июндаги «Республика иктисодиёти тармоқларини 2012-2013 йиллар кузқиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Қарори катта аҳамиятга эга бўлаяпти. Бирок хамма жойда хам қарорда

кўрсатилган вазифалар кўнгилдагидек ба-

жарилаяпти, деб бўлмайди. Шу сабабли халқ депутатлари Қарши шахар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гурухи яқинда бўлиб ўтган XXIII сессия мухокамасига юқоридаги қарор ижроси билан боғлиқ масалани киритди.

(Давоми 2-бетда.)



лигони мавжуд. Бирок улар-

нинг айримлари талабга жа-

Худудда чиқиндиларни йиғиш учун 437 та майдонча та-

лаб этилади. Аммо бугунги

кунда уларнинг сони 297 тани ташкил этади. Улар учун талаб этиладиган 3496 та кон-

воб бермайди.

УзХДП: худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга оид ташаббус

ХАМ ТАБИАТНИ АСРАЙМИЗ

ҳам кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилади

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР МИКДОРИ АХОЛИ ЖОН БОШИГА ХАР ЎН ЙИЛДА ЎН ФОИЗГА ОШМОҚДА. ХОЗИРДА ДУНЁ БЎЙИЧА ХОСИЛ БЎЛАЁТГАН МАИШИЙ ЧИКИНДИЛАР ТУРЛИ ЙЎЛЛАР БИЛАН ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛАДИ. ШВЕЙЦАРИЯ, ШВЕЦИЯ ВА ЯПОНИЯДА 70-80 ФОИЗ, БЕЛЬГИЯДА 47 ФОИЗ ЧИКИНДИ КУЙДИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН, АҚШ, КАНАДА, ГЕРМАНИЯ, ИСПАНИЯ, МДХ ДАВЛАТЛАРИДА 70-90 ФОИЗГАЧА КЎМИШ, БУЮК БРИТАНИЯДА 98 ФОИЗ, ГОЛЛАНДИЯ ВА ИСПАНИЯДА 15-20 ФОИЗ КОМПОСТИРЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН ЗАРАРСИЗ-ЛАНТИРИЛАДИ.

амлакатимизда йилига юз миллион тоннадан ортик саноат ва 35 миллион тоннага якин маиший чикинди хосил бўлади. Уларнинг хар миллион тоннасидан 360 минг тонна когоз ва картон. 55 минг тоннагача тўқимачи-

Хозирда чикиндиларни саралаш, кайта ишлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Айрим худудларда махсус автомобилларнинг етишмаслиги, корхоналар ва ахоли томонидан чиқиндиларни мўлжалланмаган жойларга ноқонуний олиб чиқилиши каби ҳоллар юз бермокда. Умуман, чикиндиларни йигиш, ташиш, ажратиш хамда қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этишга катта эхтиёж сезилмокда

лик. 45 минг тоннагача пласт-

масса ва бошқа кўплаб қайта

ишланадиган фойдали компо-

нентларни ажратиб олиш мум-

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гурухи хамда Кишлоқ ва сув хўжалиги, атрофмухитни мухофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қўшма йиғилишида бу долзарб масала атрофлича мухокама этилди.

Унда Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят Табиатни мухофаза қилиш қўмитаси ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, партия фаоллари

иштирок этди. Сўзга чиққанлар чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, ишлаб чикаришни модернизация қилиш хисобига замонавий технологияларни жорий этиш, бу йўналишда фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ва якка тадбиркорларга шарт-шароитлар яратиш хусусида фикр юритди.

Сирожиддин АЪЗАМОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гурухи рах-

— Бугунги кунда экологик мухитни барқарорлаштириш, ахоли саломатлигини яхши-

тилди. Шу кунгача 30 га якин конун ва 350 дан ортик меъёрий-хукукий хужжат қабул қилинди, халқаро конвенциялар, шартнома хамда битимлар имзоланди, ратификация қилинди.

мавжуд муаммоларни инобатга олган холда «Чиқиндилар тўгрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилаяпти. Унинг айрим моддалари «маиший чикинди-

Айни пайтда жойлардаги депутатлик гурухи томонидан тақдим этилган таклифлар мазкур муаммоларни барта-

тейнердан 762 таси ўрнатилган. Чиноз, Пискент, Янгийўл, Оққўргон туманларида чиқиндихоналар деярли йўқлиги сабабли уларни дарё, ариқ ва зовур қирғоқларига, йўл бўйларига, умуман, рухсат этилмаган жойларга тўкиш холатлари кузатилмокда. ЎзХДП

> лади. **Гайрат МУХАМЕДОВ,** Тошкент вилоят табиатни мухофаза қилиш қўмитаси

раиси:

раф этишда мухим омил бў-


— Қўмитамиз томонидан чикинди билан боглик муаммоларни бартараф этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмокда. Бу йўналишдаги корхоналар фаолияти хам анча жонланган. Жумладан, Янгийўл шахридаги «Авесто-Шамс» кичик корхонаси пластмасса чикиндиларини, Зангиота туманидаги «Чанг-Жанг», «Зангиота Пласт», «Бурхонбек Пласт» ва «Зумрад» масъулияти чекланган жамиятлари полиэтилен махсулотларини, «Гофротара люкс» МЧЖ қоғоз хамда картон қолдиқларини қайта ишлаб, гофро яшикларини ишлаб чиқармоқда. Чирчиқ шахридаги «Руббер продукт» масъулияти чекланган жамияти яроксиз автошиналарни қайта ишлаш билан шуғулланади. Вилоятимизда шу каби 11 та корхона томонидан бир йилда ўртача 250 минг тоннага якин маиший ва саноат чикиндилари қайта иш-

ланмоқда. Аммо бу борада муаммолар хам оз эмас. Чиқиндиларни жойлаштириш борасида аникланган қонунбузарликлар юзасидан ўтган 8 ой давомида 388 нафар мансабдор ва жисмоний шахсга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, жарималар ундирилди. 200 дан ортиқ қолат юзасидан камчиликларни бартараф этиш тўгри-

сида кўрсатмалар берилди... Қўшма йиғилишда иштирокчилар тахлил этилган масала юзасидан ўз таклиф ва мулохазаларини билдиришди. Масаланинг долзарблиги хисобга олиниб, уни халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси мухокамасига киритиш тўгри-

Гулрух ОДАШБОЕВА,

сида қарор қабул қилинди. «Ўзбекистон овози» мухбири.



Конуннинг 24-моддаси номи «Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш сохасидаги фаолиятни рагбатлантириш» деб ўзгартириш таклиф этилаётгани бу сохада фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қўшимча имтиёзлар яратилишига замин хозирлайди.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-мухитни мухофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси:

— Вилоят худудида хосил

мизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Харакат дастурига асосан «Шахарда импорт ўрнини босувчи истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича худудий дастурлар ижроси ва истеъмол бозорини махаллий товарлар билан таъминлаш» масаласини ўрганаяпти. Жорий йилнинг учинчи чораги охирига қадар мазкур йўналишда депутатлик гурухининг такли-

партия олдида турган вазифаларни бажариш учун аввало, депутатлик гурухлари фаол ишлаши керак. Сўнгги йилларда сиёсий партияларнинг ваколатлари кенгайди, шунга яраша депутатлик гурухларининг зиммасидаги масъулияти хам ошди. Буни чуқур англаган 18 нафар аъзодан иборат ЎзХДП депутатлик гурухи худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига халақит бераётган муаммоларни аниқлаш, уларни кенг мухокама этиб, амалий таклиф тайёрлаш ишлари билан жиддий шуғулланаяпти. Бу эса ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга хизмат қилмоқда. Мухими, электоратни ўйлантираётган кўплаб масалалар ечим топаяпти.

Лазиза ШЕРОВА, «Узбекистон овози» мухбири.

МАНФААТЛАР ВА ТАҚДИРЛАР МУШТАРАКЛИГИ

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР АСОСИ БЎЛГАН **КАДРИЯТЛАРДИР**

Ўзбекистонда қозоқ театрлари ва миллий-фольклор ансамбллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида Қозоқ адабиёти кенгаши фаолият кўрсатмокда. «Нурлы жол» газетаси чоп этилмокда, телерадиоканаллар орқали махсус кўрсатув ва эшиттиришлар берилмокда. Республика қозоқ маданияти маркази кўмагида қозоқ оқинлари, ёзувчилари ва журналистларининг ўнлаб китоблари нашр этилди. Қорақалпоқ давлат университети ва Тошкент давлат педагогика университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган, катор педагогика институтларида бир неча фанларни қозоқ тилида ўқитиш

Шу билан бирга, Қозоғистоннинг Остона, Олмаота шахарлари ва бошка тўккизта худудида ўзбек маданияти марказлари очилган. Улар томонидан хар йили «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва маросимлари куни» ўтказилмокда. Ўзбек тилидаги даврий нашрлар ва махсус телекўрсатувлар хамда радиоэшиттиришлар Қозоғистондаги ўзбекларнинг миллий анъана ва урфодатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Президентлар ушбу ташриф ўзбек ва қозоқ халкларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий якинлиги, мамлакатларимиз манфаатларининг муштараклиги хамда такдирининг узвий богликлигини яна бир карра тасдиклаганини, ушбу қадриятлар бундан буён ҳам икки давлатнинг ўзаро муносабатлари хамда хамкорлигининг асосини ташкил қилишини таъкидла-

Музокаралар якуни бўйича Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Қушма баёнот имзоладилар.

Шунингдек, шахсларни реадмиссия қилиш тўгрисида хукуматлараро битим ва бошка катор икки томонлама хужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ва имзоланган мухим хужжатлар икки томонлама муносабатларда кенг имкониятлар очишини, хамкорликнинг хали фойдаланилмаган улкан салохиятини амалга оширишга кўмаклашишини, икки қардош халқнинг туб манфаатларига мос келишини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов Президент Нурсултон Назарбоевга самимий қабул ва мехмондўстлик учун миннатдорлик билдирди хамда Қозоғистон рахбарини ўзи учун қулай вақтда Ўзбекистонга ташриф буюришга таклиф қилди.

Ташриф чогида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Остона шахридаги Ватан химоячилари монументи пойига гулчамбар қўйди, Ватан мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига хурмат бажо келтирди.

Ушбу ташриф, унинг давомида бўлиб ўтган амалий фикр алмашиш ва самарали музокаралар, имзоланган хужжатлар мамлакатларимиз, халқларимиз манфаати йўлида ўзаро хамкорликни ривожлантириш хамда мустахкамлашда мухим омил бўлиб хизмат қилиши шубхасиздир.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Муносабат

ЮРТ ОБОДЛИГИ

махалла ободлигидан бошланади

МАХАЛЛА ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАБ, БОЙИТИБ КЕЛАЁТГАН МЎЪТАБАР МАСКАН. БУ ЕРДА ЁШЛАРГА ИЗЗАТ, КЕКСАЛАРГА ХУРМАТ, ХОЖАТ-МАНДГА ЁРДАМ КАБИ ГЎЗАЛ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ҚАДР ТОПИБ, САЙКАЛЛАНИБ БОРМОКДА. ШУНДАН БЎЛСА КЕРАК МАХАЛЛАМИЗДА ХАР БИР БАЙРАМ ЎЗГАЧА ШУКУХ БИЛАН нишонланади.

у йил хам мустақиллигимизнинг 21 йиллигини катта шоду хуррамлик билан нишонладик. Бу галги байрам, айниқса, мен учун бир умр ёдимдан чиқмайдиган бўлди. Истиқлол арафасида Президентимиз Фармонига асосан «Шухрат» медали билан тақдирланганимни эшитганимда қалбимда тасвирлаб бўлмас хислар уйгонди. Инсон шаъни, кадр-киммати хар нарсадан устун қўйиладиган шундай муқаддас Ватанда яшаётганимдан ғурур-ифтихор туйдим. Махалланинг хаётимиздаги ўрни ва ахамиятини янада мустахкамлаш, янги босқичга кўтариш борасидаги ишлар давлатимизнинг доимий эътиборида эканига яна бир бор амин бўлдим.

Президентимиз байрам табригида биз учун бебахо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги мехроқибат, фукаролар ва миллатлараро тотувлик ва хамжихатликни кўз қорачиғидек асрабавайлаш ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз кераклигини таъкидладилар.

Бу — бежиз эмас, албатта. Махалланинг тинчликни асраш, одамлар ўртасида тотувлик ва биродарликни мустахкамлашдаги ахамияти беқиёс. Махалла-кўй, қўни-қўшнилар тинч экан, одамлар орзу хаваси, оиласи тўкислиги йўлида астойдил мехнат қилиб, хотиржам ҳаёт кечи-

Бугунги кунда махалламизда 2451 нафар ахоли 521 та оила-

да тинч-тотув истикомат килмокда. Худудда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қишлоқ врачлик пункти фаолиятидан ахоли мамнун. Махалламиз кундан-кун чирой очиб, обод бўлиб бормокда.

Бугун махалла институтини янада ривожлантириш, ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга катта эътибор қаратилаяпти. Бу ЎзХДП дастурий мақсадларига хамоханг. Шу боис туман партия кенгаши билан мустахкам хамкорликни йўлга қўйганмиз.

Кўп йиллардан бери ЎзХДП аъзосиман. Худудда партиямиз электоратини ташвишга солаётган масалаларни ўрганиб, жойида хал этишга харакат киламиз. зарур холларда уларнинг ечими бўйича юқори ташкилотларга таклифлар берамиз.

Маҳалламиздаги ижтимоий химояга мухтож кишилар, кам таъминланган оилалар партиямиз фаоллари эътиборида. Уларга ҳар томонлама кўмак бериш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш мақсадида туман партия кенгаши, депутатлар билан хамкорликда ишлаяпмиз. Чунки кишиларнинг қувончу ташвишига шерик бўлиш, огирини енгил килиш масъулиятли хамда шарафли ва-

Абдисамат ҚАРШИЕВ, Хатирчи туманидаги «Ок олтин» махалла фукаролар йигини раиси, **Ўзбекистон Халқ демократик** партияси аъзоси.



лаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар натижасида ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага чиқарилиши 1,9 баробарга камайди. Ўсимликларни биологик химоя килиш усулига ўтиш хисобига пестицидлардан фойдаланиш кейинги 10 йил давомида беш

баробарга кискарди. Аммо чикиндиларни йигиш, саралаш, кайта ишлаш борасида қилинадиган ишлар ҳали кўп. Айрим хорижий мамлакатларда айнан шу сохада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик яхши йўлга қўйилган. Биз хам шундай амалиётни кенг жорий этишга эришсак, хам экологияга зарарли чикиндилар чикишини кескин камайтирамиз, хам янги иш ўринлари ташкил этишга эришамиз. Бизнинг партиямиз электорати бундан бевосита манфаатдор. Депутатлик гурухимиз томонидан ўрганилаётган масала айнан шу борадаги вазифаларни хал этишга қаратилгани билан ахамиятли-

Ахад АХМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Чикиндиларнинг жойлаштирилиши устидан назорат олиб борилаётганига қарамай, сохада қонун бузилиш холатлари хали-хануз учраб турибди. Жумладан, 2009 йилда фуқаролар ва мансабдор шахслар чиқиндиларни ноқонуний жойлаштиргани учун 84,754 миллион, 2010 йилда 136,630 миллион, ўтган йили эса 192,455 миллион сўм микдорда жаримага тортилган. Мазкур муаммолардан кўриниб турибдики, бу борадаги ишларга янада жиддий эътибор бериш талаб

Мустақиллик йилларида атроф-мухитни мухофаза килишга оид қонунчилик соҳаси босқичма-босқич янгиланиб, мустахкам хукукий база яраШухрат АХМЕДОВ,

бўладиган маиший чикиндилар йилига 1-1,5 миллион тоннани ташкил этади. Уларни жойлаштириш учун 18 та туман ва шахарда 21 та маиший чикиндилар саклаш по-

Мустақиллик йилларида атроф-мухитни мухофаза қилишга оид 30 га яқин қонун ва 350 дан ортик меъёрий-хукукий хужжат кабул килинди, халкаро конвенциялар, шартнома хамда битимлар имзоланди, ратификация қилинди. «Чиқиндилар тўгрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилаяпти. Унинг айрим моддалари «маиший чиқиндилар» ва «ишлаб чиқариш чиқиндилари», «турларга ажратиш» ва «йўқ қилиш», тиббий ва биологик чикиндилар тўгрисидаги тушунчалар билан тўлдирилмокда.

Депутатлик гурухи — электорат манфаатининг химоячиси

БАРЧА САЪЙ-ХАРАКАТЛАРИМИЗ

сайловолди ваъдаларимизни бажаришга қаратилган

— Депутатлик гурухимиз таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш объектлари хамда 74 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарликка оид қарор ижроси бўйича қилинаётган ишларни назорат-тахлил асосида ўрганди, дейди ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халк депутатлари шахар Кенгашидаги депутатлик гурухи рахбари Рашид Муртазоев. Натижа кўрсатдики, айрим объектларда мавсумга тайёргарлик талаб даражасида эмас. Масалан, шахардаги мактабларнинг факат 70 фоизигина ёгин-сочинли кунларга тайёр холос. Депутатлик гурухимиз бу борадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифни сессияга олиб чикди. Хозир сессия қарори ижросини назорат қилаяпмиз.

Даврнинг ўзи сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан катта талаб қўймоқда, Шундан келиб чиқиб, хар бир сиёсий куч ўз электорати манфаатини дадил химоя қилиши, махаллий ижроия хокимияти устидан самарали жамоатчилик ва депуталик назорати ўрнатиши зарур. Депутатлик гурухимиз фаолиятида шунга

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қатъий амал қилишга интилаяпмиз. Умуман, бугун бизнинг барча саъйхаракатларимиз сайловолди ваъдаларимизни бажаришга қаратилган.

Дарҳақиқат, бу интилиш депутатлик гурухининг электорат манфаати билан боғлиқ долзарб масалаларни дадил кўтараётганида хам яққол кўриниб турибди. Бироз аввал, яъни халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг шу йил 19 июлида бўлиб ўтган XXII сессияси кун тартибига депутатлик гурухи партиямиз электорати манфаати билан бевосита боглиқ долзарб масалани киритган эди. Кенгаш 2012 йилда янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар, 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари хамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласини батафсил

- Партиямиз Сайловолди дастурида ахолининг кўмакка мухтож қатламини ижтимоий химоя килиш. иш билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси белгиланган. — дейди шахар Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гурухи аъзоси Илхом Омонов. — Шу боис ахоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар доимий эътиборимизда. Бунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассислиги асосида тўлик ишга жойлаштириш масаласига алохида эътибор қаратилмокда.

Шухарда 5 та академик лицей, 15 та касб-хунар коллежи бор. Биз уч томонлама шартномалар тўлиқ бажарилиши, иш берувчи ташкилотларда ёшлар учун яратилган шароитлар, йигитқизлар амалиётини самарали ташкил этиш ҳамда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини қизиқиши асосида касб-хунар коллежларига тўлик камраб олиш масалаларини ўргандик. Аниқланишича, жорий йилда касб-хунар коллежларини 1458 нафар йигит-қиз тугатган. Уларнинг 74,5 фоизи ишга жойлашган. Бу эса жойларда ҳали уларни иш билан таъминлашга алоқадор камчиликлар, юзаки қараш ҳоллари

мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, назорат-тахлил жараёнида шу нарса маълум бўлдики, айрим йигит-қизлар касб-ҳунар коллежларига анча олисдан қатнайди. Депутатлик гурухи йигилишида бу борадаги муаммолар мухокама этилди ва уни ҳал этиш бўйича таклиф тайёрланди. Масала долзарб бўлгани боис уни сессияда хам кўриб чикдик.

Бундан ташқари, депутатлар партия-

фи сессия мухокамасига киритилиши мўлжалланмоқда. Сайловчилар ишончини оклаш,

COXNEKNEOH N3VVENHN N3VVETT

(бир илмий сафар таассуроти)

Ушбу шахарларнинг деярли барчасида археологик текширув ишлари олиб борилган ва уларнинг кўпчилигига мўғуллар давридан анча илгари асос солингани аникланган. Бу ерлардан топилган осори-атиқа намуналарида, хусусан, меъморчилик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик ёдгорликларида Ўрта Осиё, Эрон, Кавказ худудлари таъсирида туғилган қоришма маданиятни сезиш қийин эмас. Бу хусусиятларни биз сафар чогида археологик қазишмалар олиб борилаётган ёдгорликларда яққол кўрдик. Масалан, Татаристон Республикаси худудида Волга дарёси сохилидаги Булгар (Болгар) қадим шаҳар қўриқхонаси харобалари 400 гектарча худудни эгаллайди. Деярли тўла ковлаб очилган масжид, хилхона, хаммом, сарой қолдиқлари музей-қўриқхонага айлантирилган. Масжид яқинидаги археологик қазишма материаллари орасида сўзсиз Ўрта Осиёнинг XIII-XIV асрларга тааллуқли кулолчилик буюмлари яққол кўзга ташланади. Татаристон археологлари аниклаган материаллар ичида темурийлар даврига оид сирланган сопол парчалари хам бор. Улар узоқ Мовароуннахрдан савдо карвонлари орқали келтирилган ёки Ўрта Осиё технологияси асосида махаллий кулоллар томонидан тайёрланган бўлиши мумкин. Чунки, Олтин Ўрда марказлари Сарой Боту ва Сарой Берканинг шахар сифатида бунёд этилишида ўрта осиёлик, хусусан, хоразмлик қурувчиусталар фаол қатнашгани тарихий манбаларда тилга олинган.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, мўгул хонлари билан муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилган. Чунки, у ўз олдига тарқоқ Мовароуннаҳрни бирлаштириб, яхлит ва кучли марказлашган давлат ташкил этишдек буюк мақсадни қўйган эди. Шунинг учун Амир Темур ўз мамлакатининг тинч ва барқарор ривожланиши борасида доимо бош қотириб келган. Бу масалада уни кўпроқ Мовароуннаҳрнинг шарқий ва шимолий-шарқий чегараларидаги ҳолат безовта қилар эди. Айниқса, Қашқарнинг мўгул хонлари ва Жўчи улуси Амир Темурга кўп ташвишлар келтириши мумкин эди.

Олтин Ўрдадаги вокеалар ривожи, Жўчи улусини қайта тиклашда Оқ Ўрда ҳокими Ўрисхоннинг ҳаракатларидан Соҳибқирон яхши хабардор эди. Шунинг учун Амир Темур ўз давлатининг хавфсизлигини таъминлаш учун қалтис сиёсий можароларга аралашишга мажбур бўлади. Жумладан, Оқ Ўрда хони Ўрисхон томонидан Тўхтамишхоннинг отаси Тўй Хўжа қатл этилади. Тўхтамишхон жонини сақлаш учун 1376 йили Самарқандга Сохибкирондан ёрдам сўраб қочиб келган. Натижада Ўрисхон ва Амир Темур ўртасидаги муносабатлар бироз ёмонлашади. Аммо жангларнинг бирида Ўрисхон нобуд бўлиб, Сохибқирон унинг ўрнига Тўхтамишхонни тахтга кўтаради. Бир оз вақт ўтиб эса Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтига ўтиради (1378-1398 йй.). Аммо кўрган бу яхшиликларига «жавобан» у Амир Темур давлати манфаатларига зид ишларга қўл уради. Тахтда мустахкам ўрнашиб олгач, Турон мамлакати музофатларига талончилик урушлари қила бошлайди. 1385 йилнинг бошларида Эроннинг шимолий-ғарбий қисми вайрон этилди. Бу хуруж Сохибкироннинг харбий-стратегик режаларига ўзгартишлар киритди. Чунки, Эроннинг Тўхтамишхон қўлига ўтиши Турон мулки учун жуда хавфли эди. Аммо 1388 йили Амир Темурнинг Эронда эканлигидан фойдаланган Тўхтамишхон Бухорога хужум қилади ва унинг атрофидаги бир неча қишлоқларга ўт қўяди. Бундай ғаламислик ишларидан сабр-косаси тўлган Амир Темур анчадан буён ўйлаб юрган режасига — Тўхтамишхон ва унинг давлатини тор-мор этишга киришади.

ДАШТИ КИПЧОККА ЮРИШ

Мазкур улкан худуд XI-XV асрлардаги манбаларда «Дашти Қипчоқ» — Қипчоқ дашти, баъзида Қипчоқлар юрти номи билан аталган. Таниқли шарқшунос олим Ашраф Аҳмедовнинг Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида билдирган фикрларни ҳисобга олиб айтган хулосасига кўра, Дашти Қипчоққа — Волга (Идил) дарёсининг ўнг соҳилидаги ерлар (Россия Федерациясининг ҳозирги Волгоград, Саратов, Самара, Ульяновск вилоятларининг, Татаристоннинг ўнг соҳил ерлари ҳамда Пенза вилояти, Мордва ва Чувашистон) кирган.

Амир Темур Тўхтамишхон билан уч марта тўқнаш келган — 1389, 1391, 1395 йиллар. Бунинг сиёсий ва иктисодий сабаблари бор. XIV асрнинг 80-йилларида Тўхтамишхон қўшини анча кучли бўлиб, Мовароуннахр учун катта хавф туғдирар эди. Куликово жангидан сўнг хам Олтин Ўрда ўз қудратини тиклаб олади. Устига устак, Тўхтамишхон Русия ерларини бўлиб ташлаш учун Литва князи билан музокаралар олиб боради. Бу хавфга қарши чиқа оладиган ва уни даф этиши мумкин бўлган ягона шахс — бу Амир Темур эди. Бу вақтга келиб, Амир Темур Мовароуннахр, Хуросон ва Хоразмни бирлаштириб, йирик марказлашган Турон давлатини барпо этган эди. Қолаверса, Соҳибқирон ҳарбий қўшинлари яхши ташкил этилгани, интизомлилиги ва юксак жанговор салохиятга эга бўлганлиги билан XIV аср охири — XV аср бошларида жахондаги энг кучли армиялардан бири эди.



Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши 1391 йили Кондурча дарёси бўйида олиб борган жанги мавзусига багишлаб самаралик рассом А.Малигин томонидан яратилган тарихий-бадиий панно.

Самаралик ўлкашунослар томонидан 2012 йил март ойида Кондурча жанг майдонида ўрнатилган эсдалик лавхаси. Лавхага рус тилида: «Бу ерда Сок ва Кондурча дарёлари оралигида 1391 йили Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши юриш чогида Амир Темурнинг харбий қароргохи жойлашган. Ёдгорлик Кондурча жангининг 620 йиллиги муносабати билан ўрнатилди», деган сўзлар ёзилган.

лашда тўрт нарсани назарда тутсин. Би-ринчиси — у ернинг сувга узоқ-яқинли-маралик ўлкашунослар Ю.Бриков ваги. Иккинчиси — аскар сақлайдиган ер-

1388 йили Тўхтамишхон катта куч йиғиб, Турон давлатининг чекка худудлари бўлмиш Арис дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойидаги ерларга хужум бошлайди. Бундан хабар топган Сохибкирон Андижондаги ўгли Умар Шайх ва Хиротдаги иккинчи ўгли Мироншохга аскар тўплаш хакида буйрук бериб, ўзи ҳам улар билан келишилган жойда учрашиш учун Кеш томондан бир неча ўн минг қўшин билан ҳаракатланади. Бирлашган кучлар Тўхтамишхоннинг олдинги қисмларига қақшатқич зарба беради, душман аскарлари тум-тарақай қочиб кетади. Соҳибқирон Самарқандга қайтиб, керакли тайёргарликдан сўнг 1389 йил бахорида Оқ Ўрдага юриш бошлайди. Аммо Тўхтамишхон даштнинг ичкари қисмига кириб кетади ва шу тариқа бу уруш кечиктирилади. Эртамикечми, бу тўкнашув мукаррар эканлигини хар

Ушбу ҳарбий ҳаракат тарихий манбаларда Амир Темурнинг Дашти-Қипчоққа юриши (9.XII. 1390 — 28. XI. 1391) деб тилга олинади. Бу ҳарбий тўқнашув Тўхтамишхон ва Амир Темур ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиши керак эди. Шунинг учун ҳар икки томон жуда катта тайёргарлик кўра бошлайди. 1390 йил бахор ойида Амир Темур чақирган қурултойда Олтин Ўрдага юриш бошлашга қарор қилинади. Таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг Тўхтамишхонга нисбатан қийин аҳволда жанг олиб боришига тўгри келади, асосий лагерлардан узоқлашган сари озиқ-овқат захиралари камайиб борар эди. Буни сезган душман томон рақиб армиясининг тинкасини қуритиш учун иложи борича асосий жангни орқага сурган. Бироқ Темур ўйлаган тактик йўл бирдан-бир тўгри бўлиб чиқди. Бунга кўра, жанг майдонини Турон султонининг ўзи танлади, Тўхтамишхонни ўзига чорлади хамда асосий эътиборни химояга каратди.

икки томон жуда яхши тушунар эди...

Волгабўйилик олимларнинг фикрича, самарқандлик лашкарбоши буюк жанг олдидан қуйидагиларни режалаштирган: 1.Қўшин қанотларини дарё қиргоқлари беркитиб туриши керак, токи дарёни кечиб ўтиб, орқа томондан зарба бериш мумкин бўлмасин. 2. Бурчак ҳосил қилувчи дарёлар ўзани катта ва текис майдонга эга бўлиши, майдоннинг айрим қисмларида паст ўнқирчўнқирликлар бўлиши керак. Токи бу нарса Олтин Ўрда сипохиларини тез ҳаракат қилишига халақит берсин.

Шундай қилиб, жанг майдони сифатида Кондурча ва Сок дарёларининг қуйилиш ҳавзаси Амир Темур ўйлаган тамойилларга деярли тўгри келар эди.

КОНДУРЧА ЖАНГИ ВА УНИНГ ХАРБИЙ-СИЁСИЙ АХАМИЯТИ

Авваламбор, таъкидлаш жоизки, мазкур жанг ўз кўлами жихатидан хали кўплаб харбий дарсликларга стратегия ва тактика масалаларининг баёнида дастуриламал бўлиб киритилиши лозим. Амир Темурнинг енгилмас саркарда сифатида қўллаган ҳаракатлари нафақат ўтмишдаги, балки хозирги замон тадқиқотчилари ва мутахассисларини хам хайратда қолдириб келади. Манбаларда жанг 1391 йил 18 июнь куни бошланган ва уч кун давом этган дейилади. Амир Темур 200 минг ва Тўхтамишхон бундан бироз кўпроқ жангчи билан, яъни хар икки томондан жами 400 мингдан зиёд аскар қатнашган. Отлар сони 1 миллионга борган, чунки хар бир жангчига камида иккитадан бештагача от бириктирилган бўлган. Шу жиҳатдан олганда бу қадар катта микдорда ҳарбий куч ва қурол-аслаҳа қатнашған жанг бўлган майдон жойлашган ерни аниқлаш катта илмий ахамиятга эга, албатта. Бу борада хозирги вақтда Волгабўйи музофатида тур-

ли бахс-мунозаралар давом этиб келмокда. Маълумки, қадимги ва ўрта асрлардаги барча йирик жангларда улар олиб бориладиган майдонларга алохида эътибор қаратилган (Панипат, Куликово, Бородино, Грюнвальд ва б.). Сохибкироннинг машхур асари «Темур тузуклари»да келтирилишича «... амир ул-умаро уруш майдонини тан-

лашда тўрт нарсани назарда тутсин. Биринчиси — у ернинг сувга узоқ-яқинлиги. Иккинчиси — аскар сақлайдиган ернинг хавфсизлиги. Учинчиси — ғаним лашкари турган ердан тепарокқа жойлашиши ва офтобга рўбарў бўлмаслиги, токи куёш шуъласи сипохилар кўзини қамаштирмасин. Тўртинчиси — уруш майдони олди очик, кенг жой бўлиши лозим».

Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида

Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида бўлиб ўтган жанг майдони ўрни хақида ҳам россиялик тадқиқотчилар ўртасида ҳозирга қадар якдил бир фикр йўк, Ушбу жанг Волга дарёсининг ирмокларидан бири Кондурча дарёси бўйида, аникроги, Кондурча ва Сок (бу термин «совук», «соовук» сўзидан олинган дейилади) дарёлари ҳавзасида бўлиб ўтгани манбаларда ҳайд этилган. Кондурча дарёсининг умумий узунлиги 342 километр. Лекин жанг унинг ҳайси ҳисмида: юҳори, ўрта ёки ҳуйи оҳимида рўй берганлиги хакида мунозаралар давом этмокда.

Агарда Амир Темурнинг юқорида келтирилган «Темур тузуклари» асари талабларидан келиб чиқсак, мазкур дарёларнинг юқори оқимлари изланаётган ҳудудга мос келмайди. Яъни, бу жойлар боткоклик, пасткам ва ўрмонзорлардан иборат. Дарёнинг қолган қайси қисмида асосий жанг майдони бўлгани хакида фанда 3 та эътироф этилган фикр ва хулосалар мавжуд. *Биринчи фикрга* кўра, жанг хозирги Красный Яр тумани худудида Кондурча ва Сок дарёлари туташадиган жойда рўй берган. *Иккинчи фикр* тарафдорларига кўра, жанг майдони биринчи нуқтадан 90-100 километр шимолрокдаги Сергиевский тумани худудига тўгри келади. **Учинчи тахминга** кўра, бу жой биринчи нуқтадан 80-90 километр шимолий-шарқдаги Кошки тумани худудига тўгри келади. Таъкидлаш жоизки, Кошки туманилик ёш тарихчи олим Михаил Арнольдов ҳам ушбу фикрга қўшилади.

(Биз бу истеъдодли тадкикотчи хакида олдинги маколаларимизда атрофлича маълумот бериб ўтган эдик. Жумладан, унинг 2004 йилда, 9-синф ўкувчиси пайтида бу жанг хакида ёзган илмий иши Москвада нашр этиладиган «Наука и жизнь» журналининг (2004, №4) конкурсида 1-ўринга сазовор бўлгани, шундан сўнг ёш тарихчи отаси билан бирга Ўзбекистон рахбарининг таклифига биноан кишки таътилни Амир Темур ватани Ўзбекистонда ўтказиб қайтгани хусусида батафсил сўз юритган эдик).

Биз — Бобур халқаро илмий экспедицияси аъзолари сафар чоғида махаллий ўлкашунос-олимлар билан ҳар учала ҳудудни ҳам географик ва археологик назардан батафсил кўздан кечирдик. Айтиш мумкинки, юқорида келтирилган учала ғоянинг кучли ва бўш томонлари бўлса-да, ҳар ким ўз фикрини асослашга ҳаракат қилади.

Икки улкан армияни бир ерга жойлаштириб ва жанг қилиш мумкин бўлган худуд бизнинг фикримизча, Кондурча ва Сок дарёлари қўшилиши жойидан узоқ **бўлмаган бепоён майдондир**. Майдон тузилиши ҳарбий ҳаракатлар учун қулайлиги билан катта таасурот қолдиради. Ушбу майдон Амир Темур тузукларида ишлаб чиқилган талабларнинг деярли барчасига жавоб беради, деган фикрдамиз. Буни мазкур худудда археологик ашёвий далиллар топила бошлангани ҳам тасдиқлайди. Булар жанг майдони ўрни, Амир Темур харбий қароргохи (лагерь) қолдиқлари ва бу жойлардан топилган темирдан ясалган қурол-яроғ намуналари ва бошқа буюмлардир.

Маълумки, вақтинчалик лагерлар ҳарбий юришларда тактик усуллардан фойдаланишда муҳим стратегик пунктлар ҳисобланади. Амир Темур ўз юришлари пайтида шундай истеҳкомлардан бир нечасини қургани ва фойдалангани манбаларда зикр этилади. Масалан, Эльбрус тоғи яқинида Самир дарёси бўйидаги ва 1391 йил 4 июнда Иик дарёсидан кечиб ўтиб қурилган лагерларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Демак, Кондурча жанги учун махсус ҳарбий истеҳком — лагерь бунёд этилгани — тари-

хий ҳақиқат. Бу ҳарбий истеҳком ўрнини самаралик ўлкашунослар Ю.Бриков ва А.Опарин бошқа олимлар иштирокида аниқлашга жиддий ҳаракат қилганлар. Бу истеҳком космик суратларда ҳам кўринганига ўзимиз гувох бўлдик. Уларнинг фикрича, истехкомнинг жануб ва жанубий-ғарб томонларини икки дарё: Кондурча ва Сок дарёлари табиий равишда химоя этади. Шимолийғарб ва шимолий-шарқ томонлари олд томонида ҳандақ қазилган ва кўтарма ёки тупрок девор кўринишдаги сунъий гов билан мудофаа этилган. Хандақ эни қозирда 4 метрга, кўтарма эни эса 8 метрларга боради, ҳар икки ҳолда ҳам уларнинг чуқурлигини аниклаш кийин. Мудофаа иншооти Сок дарёсининг қуриган ўзанидан бошланиб, Малая Каменка қишлоғигача (9600 метр) давом этган ва шу ердан бурчак остида қайрилиб, Кондурча дарёси қирғоғи билан туташган (3900 метр). Хар 535 метрда (ёки 750 қадамда) махсус кириш дарвозалари ясалган кўринади, уларнинг сони 19 та бўлган. Шу тариқа 40-45 квадрат километрлик худудда юқоридан қараганда тўртбурчак кўринишидаги ҳарбий ҳароргоҳ — ла-

Амир Темурнинг Дашти Қипчоққа юришини Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» ва Шарофиддин Али Яздийнинг уни тўлдирувчи шу номли асари бўйича тахлил этган тарихчи олимлар Б.Д.Греков ва Ю.А.Якубовскийлар «рўбарў келаётган душман яқин жойидан олд қисмида хандақлар қазилган қароргохлар бунёд этилгани ва хандақлар олдига тўқилган қалқон (чопар) ва мудофаа қуроллари (турлар) қўйилганини хамда қароргохларда олов ёқиш ва хатто қаттиқ гапириш хам тақиқланганини» эслатиб ўтадилар.

Лагерь махобатини кўз олдимизга келтириш учун биз «Жип» автомашинасида ва пиёда юриб, уч кун давомида ушбу худудни батафсил ўргандик. Лагерь ичида кейинги 50-60 йилда бунёд этилган Кочкори (Қўчқорчи), Трухмянка, Угловое қишлоқлари атроф далалари билан жойлашган. Сохибқирон кўшинининг асосий жанговор қисмлари: сўл каноти хозирги Кочкори қишлогидан ғарброкда, ўнг қаноти хозирги 204 — баландлик нуқтаси атрофида ва нихоят, Амир Темур ўзи турган марказ кўшинлари Орошенки пунктининг шимолий-ғарбида жойлашган бўлиши керак.

Салохиятли олимларимизнинг фикрича, Сохибқироннинг харбий юриши вақтида олдинда хабарчилар, улар ортидан ясовул бўлинмаси, кейинрокда *манглай* — *авангард* қисми ҳаракатланган. Манглай билан асосий қисмлар оралиғида қўмондоннинг ҳаракатдаги қароргохи ва унинг яқинида захира (резерв) қисмлар жойлашған. Қар бир қанот олдида қўшимча қўриқчи манглай — авангард, ён томонда биттадан қўшимча аскарий қўшилмалар — *қанбуллар* бўлган. Шу тариқа қушин етти қисм — **қуллардан** иборат эди. Қўллар қозирги корпусга тенглашади. Кондурча жангида Амир Темур қўшинларни жойлаштиришдаги мазкур янги тартибни ҳарбий тактика тарихида биринчи бор қўллайди. Ёзма манбалар гувохлик беришича, мохир саркарда бешта қўл (корпус)ни жанг майдонига ташлаган бўлса, иккитаси захирада сақланган. Шунга кўра ўнг қанот орқа томонидаги манбаларда тилга олинган Черная дарёси хозирги Сок дарёси бўлиши мумкин ва бу номнинг келиб чикиши махаллий топонимик холатга тўгри келади. Кондурча, Кандабулоқ, Сок, Кочкори — булар келиб чиқиши билан туркий сўзлардир. Яъни, Черная речка — Қора ва Қорасу ўзагининг Соок-Суу қисми сақланган бўлиши мумкин.

Бу мудофаа маскани археологик жиҳатдан энди махсус ўрганила бошланди. Кейинги йилларда жанггоҳдан ва лагерь ички томонидан темир буюмлар топилмоҳда. Ҳозиргача самаралик ўлкашунослар Ю.Бриков, А.Опарин ва бошҳа олимлар коллекциясида 30 га яҳин топилма ҳайд этилган. Улар орасида айрим тангалар Кондурча жангигача бўлган даврга тааллуҳли бўлиши мумкин. Темир пайкон, пичоҳ ва бошҳа темир буюмлар XIV-XV асрлар билан санала-

ниши мумкин. Сопол буюмлар кам учрайди, бу оддий холат. Чунки, узок юришларда асосан ёгоч идишлар олиб юрилган. Хар икки улкан армиядаги аскарлар совутлари, куроляроглари, от-уловлари, халок бўлганларнинг жасадлари каерда — бу хакда келгусида олиб борилиши режалаштирилаётган археологик тадкикотлар натижасига кўра фикр билдириш мумкин. Тупрок ва маданий катламлар таркиби (ёши)ни ўрганиш максадида жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида тупрокшунослар иш бошлаши кутилмокда. Галдаги вазифа археологик, топографик ва бошқа кузатув изланишларини ҳам тезрок бошлашдан иборат.

Самара вилояти ўлкашунос-археолог олимлари билан келишилган режага асосан экспедициямиз аъзолари хам 2012 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Амир Темур харбий истехкомида олиб борилаётган археологик илмий-тадқиқотларда иштирок этиб, ўз қўллари билан иккита шурф кавлаб, у ердан чиққан топилмаларни биргаликда ўрганиш мўлжалланмоқда.

Жумладан, Самара вилояти ўлкашунослик музейи директори, археолог-олим Л.Кузнецова ва археология бўлими бошлиги, тарих фанлари номзоди Д.Сташенковлар билан Амир Темур билан боглик ёдгорликларда хамкорликда илмий қазишмалар ўтказишга келишиб олдик.

Кондурча жанги Евроосиё халқлари тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Самарқанддан Волга сохилларидаги Жигулевск тог этакларигача қилинган ҳарбий сафар тарихда ўз кўлами билан ягона юриш бўлиб қолди. Ушбу жанг Олтин Ўрдани заифлаштирди ва охир-оқибатда у таназзулга юз тутди. Таникли тарихчи олимлар Бўрибой Ахмедов, Хамид Зияев, Николай Арнольдов ва бошқалар Тўхтамишхоннинг тор-мор этилиши ва Сарой Берканинг вайрон этилиши Олтин Ўрдага берилган дахшатли зарба бўлганлигини таъкидлайдилар. Русияга бехад азобуқубат ва талафот етказган мўгуллар зулмининг томири шу тариқа қирқилади. 1395 йилдан бошлаб Олтин Ўрда таназзулга юз тутди. Сохибкирон нафакат Русия, балки Европа халқлари учун ҳам озодлик олиб келишдек буюк ишни амалга оширди.

Юқорида келтирилган фактларга, Кондурча жангининг оламшумул ахамияти ва унда Сохибқироннинг тарихий ролига махаллий зиёлилар ва ахоли катта қизиқиш билдирмокда. Масалан, ўтмиш тарихини ўрганиш борасида Самара вилоятида харбий-тарихий клублар ва қидирув экспедициялари фаолият кўрсатмокда, фольклор ва этнографик изланишлар олиб борилмокда. Жумладан, Кондурча дарёси бўйидаги жангга багишланган харбий-тарихий фестиваль уч маротаба ўтказилган. Биз билан бўлган учрашувда Красный Яр тумани маъмурияти рахбарлари келгуси йилдан мазкур фестивални тиклаш учун харакат қилишаётганини таъкидлади.

Самаралик рассом А.Малигин буюк Амир Темур сиймосида Кондурча-Сок дарёлари сохилида жойлашган харбий истехкомнинг хозирги кўринишини яратганлиги хам у ердаги зиёлиларнинг ушбу масалага ижобий ёндашаётганлигини кўрсатмокда.

Эътиборлиси шундаки, 2012 йил март ойида махаллий ўлкашунослар томонидан Кондурча жанг майдонида махобатли эсдалик лавхаси ўрнатилган. Лавхага: «Бу ерда, Сок ва Кондурча дарёлари оралигида 1391 йили Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши юриш чогида Амир Темурнинг ҳарбий қароргоҳи жойлашган. Ёдгорлик Кондурча жангининг 620 йиллиги муносабати билан ўрнатилди», деган сўзлар битилган.

Илмий экспедициямизнинг сафари давомида биз Санкт-Петербург шахридаги Эрмитаж музейига бориб, у ерда сакланаётган, Улугтогнинг Олтин Чўкки деб аталган кисмига Амир Темур томонидан бундан 620 йил аввал ўйиб ёздирилган, матни юкорида келтирилган тошбитикни фото ва видеотасвирга олишга муваффак бўлдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Соҳибқирон бобомизнинг тарихий қадамжоларини, унинг ҳарбий юришлари ва бунёдкорлик фаолиятини чуқур ўрганиш борасида олдимизда катта вазифалар турибди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун жиддий ишлар бошланган. Амир Темурнинг Русияни мўгул зулмидан озод қилишдаги буюк хизматлари ўз ҳаққоний баҳосини олиши учун етарли асослар мавжуд. Биз эса улуг аждодимизнинг ворислари сифатида тарихимизнинг ҳар бир саҳифасини ҳаққонийлик билан халқимизга, биринчи навбатда ёшларимиз онгига етказмогимиз даркор. Шўролар даврида бир томонлама олиб борилган сиёсат таъсири остида тарихимизга четдан ёки айрим холларда ўзимиздан баъзида пинхона ва гохида очикдан-очик «тош отишлар»дан химоя этишимиз зарур. Зеро, Юртбошимизнинг: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», деган сўзлари барчамиз учун дастуриламал бўлиб хиз-

Зокиржон МАШРАБОВ, Бобур халқаро фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Боқижон МАТБОБОЕВ, Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институтининг бўлим мудири, тарих фанлари доктори.



2012-yil, 8-sentabr. Shanba

Спорт

ШОХМОТЧИ КИЗЛАРИМИЗ

олимпиадада ажойиб кўрсаткичга эришди

АЁЛЛАР ТЕРМА ЖАМОАМИЗ 40-БУТУНЖАХОН ШОХМОТ ОЛИМПИАДАСИДА БИР КУН 5-ПОГОНАНИ ЭГАЛЛАБ ТУРДИ. ОЛИМПИАДАЛАР ТАРИХИДА АЁЛ ШОХМОТЧИЛАРИМИЗ ХАЛИ БУНДАЙ ЮКОРИ ЎРИНГА КЎТАРИЛМАГАН ЭДИ.



Истанбулда бўлиб ўтаётган олимпиадада аёллар терма жамоамиз 8-тур ўйинларида венгрияликларни маглубиятга учратди (2,5:1,5) ва бу ғалабадан кейин 13 очко тўплаган ҳолда мусобақа жадвалида 5погонага кўтарилди. Лекин вакилларимиз 9-турда қозоғистонликларга шу ҳисобда ютқазиб қўйди ва мусобақа жадвалининг 11-погонасига тушди. Кеча аёллар терма жамоамиз 10-турда италияликларга қарши дона сур-

Мусобақада хитойликлар 16 очко билан карвонбоши, иккинчи ўринда бораётган россияликлар эса 15 очко тўплаган. Кейинги ўринларни эгаллаб турган тўртта жамоада 14 тадан очко бор. Эркаклар терма жамоамиз 8-турда арманистонликларга имкониятни бой берди (1:3), 9-турда эса словенияликлар билан дуранг ўйнади (2:2) ва 12 очко билан мусобақа жадвалининг 21погонасидан жой олди. Кеча шохмотчиларимиз 10-турда болгарияликларга қарши

Россия ва Арманистон шохмотчилари пешқадамлик қилишмоқда. Бугун олимпиадада дам олиш куни. Эртага эса яку-

ний 11-тур ўйинлари ўтка-

ўйнади. Мусобақада 15 та-

дан очко жамғарган Хитой,

Асрор МЎМИН

Эълон

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судлари судьялари малака хайъати йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумот ва юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик мехнат стажига эга Ўзбекистон Республикаси фукароларини судьяликка номзодлар захирасига таклиф килади.

Манзил: Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 93-уй. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди.

Телефонлар: 253-78-44, 253-17-60

Реклама ва эълонлар

ПРИГЛАШЕНИЕ ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЫХ ДОМОВ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ 2012 – 09

Выпущено: 8 сентября 2012 г.

тракта;

Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня 18 сентября 2012 г.

Заем № 2775-UZB: Инвестиционная программа строительства жилых домов в сельской местности

1. Для Республики Узбекистан будет предоставлен мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств Азиатского Банка Развития (АБР) на финансирование расходов по «Инвестиционной программе строительства жилых домов в сельской местности» (ИПСЖДСМ). Средства упомянутого выше Займа будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для выше указанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям и условиям Соглашения о займе с Азиатским Банком Развития, включая Руководство по закупкам. Конкурсные торги открыты для участников торгов из стран, удовлетворяющих квалификационным ус-

2. Для участия в конкурсных торгах принимаются запечатанные пакеты по нижеуказанным лотам от правомочных оферентов тендера. Только правомочные участники тендера, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к тендерным торгам. Участники торгов должны ознакомится с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с соот-

ветствующим региональным филиалом Кишлок Курилиш Инвеста (ККИ): Ташкентский филиал ККИ

Адрес: ул. У. Носира,53 б, г.Ташкент. **Телефон**: +8 (371) 280-60-93

Факс: +8 (371) 280-60-93

Эл. почта: qodir8778@mail.ru 4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо на вышеуказанный адрес и приложить платежку из банка о невозмещаемой оплате в сумме 65 000 узбекских сумов. Языком торгов является: русский язык.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет документов следует внести на банковский счет ИК «Кишлок курилиш инвест». Ниже представлен реквизиты банковского счета:

Банковский счет Ташкентского филиала ККИ

Банк: Кишлок Курилиш Банк

Филиал банка: Ташкентский ф.

ИНН: 207018622

Расчетный счет: 20208000 904796055001 MΦO: 00987

6. Форматы для документов, требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1, Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и документы, приведенные в следующих параграфах. Согласно ИУТ 11 Техническое и Ценовое конкурсные предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных конвертах оба вложенные в один внешний конверт вместе с Письмом-Тен-

дерным предложением, который тоже должен быть запечатан. 7. Техническое конкурсное предложение должно содержать доку-

менты, перечисленные в ИУТ 11.2: • Письмо-техническое предложение в соответствии с ИУТ 12 и

· Тендерная гарантия в размере 15 000 000 узбекских сумов в соответствии с ИУТ 19;

· Доверенность, уполномочивающая сторону, подписывающую Конкурсное предложение, обязать обеспечением в соответствии с ИУТ

• Документальное подтверждение в соответствии с ИУТ 17, для подтверждения квалификации Участника торгов для выполнения кон-

 Техническое предложение в соответствии с подпунктом ИУТ 16.1: • Другие документы в соответствии с Информационной таблицей

8. Ценовое конкурсное предложение должно содержать документы,

перечисленные в ИУТ 11.3: а) Письмо-ценовое предложение в соответствии с ИУТ 12 и ИУТ 14: b) Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен в соответствии с

ИУТ 12 и 14 или согласно указаниям Информационной таблицы с) Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов. 9. Все тендерные предложения должны подаваться: в запечатанной одной (1) оригинальной копии четко обозначенной «ОРИГИ-НАЛ», и запечатанных четырех (4) копий четко обозначенных «КО-

ПИЯ». Оригинал и четыре копии предложения должны быть отправлены на нижеуказанный адрес. Один из четырех запечатанных копий не будет вскрыт до момента присуждения контракта Региональной тендерной комиссией и вторая копия будет направлена Региональной Тендерной Комиссией на адрес Группы Реализации Проекта при Министерстве Экономики Республики Узбекистан для сохра-

Тендерная Комиссия Ташкентской области

Адрес: г. Ташкент, ул.А.Темур №17 **Телефон:** +8 (371) 241-15-22

Факс: +8 (371) 241-15-22

Эл. почта: amon 7777@inbox.ru

10. Оферты принимаются Тендерной Комиссией, начиная со дня объявления о проведении конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 8. В соответствии с ИУТ 22.1, тендерные предложения будут получены соответствующими Тендерными Комиссиями в день или раньше срока 12:00 18 сентября 2012 г., по адресу вышеуказанному в

11. Если последний срок подачи оферты попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следуюший рабочий день

12. Вскрытие оферт состоится ровно в 12:00 часов дня в последний день подачи заявок 18 сентября 2012 г. в присутствии представителей участников торгов. Оферты будут вскрываться по адресу указанному в

ПРИГЛАШЕНИЕ ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЫХ ДОМОВ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ 2012-09

Выпущено: 8 сентября 2012 г.

Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня 18 сентября 2012 года

№ Лота	Область	Район	Массив	Ближайший центр/город	Ближайшее расстояние к центру/городу (км)	Количество домов по Лоту	Номер домов по Лоту
1	2	3	4	5	6	7	8
048	Ташкент	Уртачирчик	Кумовул	Ташкент	19	10	30,31,32,33,34,35,36,37,38,39
						10	
809	Ташкент	Зангиата	Й.Каримов	г.Ташкент	16	10	87,88,89,90,91,92,93,94,95,96
815	Ташкент	Зангиата	Й.Каримов	г.Ташкент	16	9	147,148,149,150,151,152,153,154,155
						19	
	Итого					29	
	1						1

Барча турдаги курилиш ташкилотлари рахбарлари диккатига!

Жиззах вилояти хокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини

эълон килади:

T.p.	Объект номи ва манзили	Бошланғич қиймати, млн. сўм		
		ҚҚС сиз	ҚҚС билан	
	Лот №25:			
Лот 25-1	Жиззах тумани «Уч тепа» ҚФЙ худудида 2010 йилда қурилган намунавий уй- жой посёлкаси кўчаларини қуриш	125,357	150,428	
Лот 25-2	Жиззах тумани «Уч тепа» ҚФЙ худудида 2012 йилда қурилган намунавий уй- жой посёлкаси кўчаларини қуриш	489,553	587,463	
Лот 25-3	Жиззах вилояти Зомин тумани «Ғаллакор» ҚФЙ Лайлак уя қишлоқ ахоли пункти худудида қурилган намунавий уй-жой посёлкаси кўчаларини қуриш	81,953	98,343	

Ишларни тугаллаш муддати — 2012 йил 1 декабргача. Ишларни молиялаштириш давлат ва махаллий бюджет маблаглари хисо-

бидан амалга оширилади. Буюртмачи манзили: Жиззах шахри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй. Телефон: (8372) 222-46-40.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция килиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошка тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига ахамият берилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% микдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чикариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага. молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдосида махаллий ва чет

эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари бахоланаётганда махаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини бахолаш вактида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи күшиб хисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов хужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига күйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шахри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66. Бир тўплам танлов хужжатларининг нархи — 70 — 100 минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтка-

Жиззах шахри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят хокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

Ташкилотлар ва корхоналар рахбарлари диккатига!

Сурхондарё вилояти хокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект бўйича техник-иқтисодий асослар (ТИА)ни ишлаб чикиш бўйича лойиха ташкилотини танлаш юзасидан

очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Шаргун шахрининг окова кувурларини реконструкция қилиш техник-иқтисодий асосларини ишлаб чикиш.

Буюртмачининг бошлангич нархи: кўшилган киймат солиғи билан бирга — 250,0 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 208,33 млн. сўм,

муддати — 4 ой. Объектнинг техник-иктисодий асосларини ишлаб чикишни молиялаштириш махаллий бюджет маблағ-

лари хисобидан амалга оширилади. Буюртмачи: Сурхондарё вилояти хокимлиги «Ягона буюртмачи хизма-

ти» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шахри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдоридаги айланма маблагнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фукаролик муомала хукукий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл курилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари бахоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини бахолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф кўшимча киймат солиғи суммасига қўшиб хисоблаган холда бахоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов хужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитекткурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шахри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-

Бир тўплам танлов хужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги ман-Термиз шахри, Амир Темур

кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Миллий матбуот марказида

«LEX.UZ» – БЕПУЛ BA мобиль ВЕРСИЯДА

КУНИ КЕЧА АДЛИЯ ВА-ЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «LEX.UZ — КОНУН ХУЖ-ЖАТЛАРИ МАЪЛУМОТ-ЛАРИ МИЛЛИЙ ТИЗИМИнинг янги имконият-ЛАРИ» МАВЗУСИДА МАТ-БУОТ АНЖУМАНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Lex.uz миллий тизими юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-хуқуқий хужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш оркали ахолининг хукукий маданиятини ошириш максадида ташкил қилинганидан хабарингиз бор.

Миллий тизимда бугунги кунда 25 мингга яқин норматив-хуқуқий хужжатлар жойлаштирилган. Хозирда тизимга махаллий давлат хокимияти органларининг норматив-хуқуқий тусдаги қарорларини киритиш ишлари олиб борилмоқ-

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорига мувофиқ, 2010 йил 1 январдан бошлаб қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий тизимидан бепул фойдаланиш жорий

Сўнгги йилларда уяли алоқа воситалари орқали интернет хизматидан фойдаланишнинг оммалашиб бораётганлиги хисобга олиниб. «Lex.uz»нинг интернет мобиль версияси яратилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

> Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

OE-XABO 08-09 - 09. 2012 Юртимиз бўйлаб (°C) Коракалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти +25 / +30

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+13 / +18 +28 / +33 Тошкент, Самарканд, Жиззах хамда Сирдарё вилоятлари

+28 / +33 +13 / +18 Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари +29 / +34 +13 / +18

Андижон, Наманган хамда Фаргона вилоятлари

+27 / +32 Тошкент шахри +18 / +23

+19 / +15 +18 / +20 Москва +14 / +14 Мадрид +19 / +20 +22 / +20 Канберра -1 / +1 2 Рим +20 / +19 2 +23 / +24 202 Токио +28 / +26 2 Стокгольм +10 / +12 Кейптаун +10 / +10

Камолиддин Бехзод номидаги Миллиі рассомлик ва дизайн институтига ажратил ган В №664605 серияли тоза бакалавр дип

БЕКОР КИЛИНАДИ

+22 / +20

+25 / +25

+22 / +21

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

202

Қохира

Гавана

Вашингтон

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

O'ZBEKISTON

Muslihiddin MUHIDDINOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV

Matbuotchilar

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; litimoiy hayot va igtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targʻibot — 233-12-56;

Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17. **MANZILIMIZ:** Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot 100000, Toshkent,

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda roʻyxatga olingan. ko'chasi, 32-uy. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz Г — 946 t — Tijorat materiallari 10525 OʻzA yakuni — 04.45 nusxada Topshirilgan vaqti — 05.45 bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

MARKAZIY KENGASHI

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Bobir ALIMOV

Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.